# 1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ!

МУАЛЛИМЛАР

# BoysuN

Milliy tiklanishdan-milliy yuksalish sari!

Ijtimoiy - siyosiy gazeta

2025-yil 27-sentabr
№ 18 (6457)

http://boysungazetasi.uz/

Gazeta 1932-yil 1-maydan chiqa boshlagan

Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashi va tuman hokimligining gazetasi

**2025-yil — Atrof-muhitni asrash va yashil iqtisodiyot yili**

### ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ТАЪЛИМ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИ БИЛАН МУЛОҚОТДА ЯНГИ ТАШАББУСЛАРНИ ИЛГАРИ СУРДИ



## КЕЛАЖАК МАКТАБДАН БОШЛАНАДИ



Ҳар йили анъанага кўра давлатимиз раҳбари ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида таълим соҳаси ходимлари билан мулоқот ўтказди. Республикамизнинг барча ҳудудларидан 40 мингдан ортиқ педагоглар уланган тадбирда Президентимиз кейинги йилларда олий, ўрта ҳамда касбий таълим соҳасида амалга оширилган кенг миқёсдаги ислоҳотлар ва уларнинг натижалари ўлароқ бугунги кунда соҳада қўлга киритилаётган ютуқлар хусусида батафсил тўхталиб ўтди.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида кейинги саккиз йилда таълим ва тарбия соҳасида ўн йилларга тенг келадиган ишлар амалга оширилиб, улкан ютуқ ва натижаларга эришилди. Айниқса, ўтган даврда мамлакатимиз иқтисодиётини икки каррага ўсганлиги, ялпи ички маҳсулот ҳажми йил охиригача 130 миллиард долларга етиши барча соҳалар қаторида таълим соҳасида ҳам ислоҳотлар даражасини каррасига кўтариш учун имкониятлар эшигини очяпти. Буни ўтган саккиз йил ичида таълим ва илм-фанга харажатлар 6 карра оширилиб, 378 триллион сўмга етганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Бу ҳақда Президент фикр билдирар экан: “Иқтисодиётимиз барқарор ўсяпти, ресурс ва заҳираларимиз етарли. Бу – боғча, мактаб ва олийгоҳлар қуриш, таълим ва илм даргоҳларини замонавий жиҳозлаш, устоз ва мураббийларнинг моддий манфаатдорлигини мунтазам ошириб боришнинг асосий кафолати” эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар ва уларнинг натижаларини соҳанинг кеча ва бугунги аҳволини қиёслаш билан исталган ҳар бир инсон аниқ тасаввур қилиши мумкин. Масалан, тадбирда таъкидланганидек, 2017 йилда мамлакатимиздаги 4 мингдан ортиқ маҳаллада бирорта ҳам боғча бўлмаган. Қамров эса бор-йўғи 27 фоизни ташкил этган. Ислоҳотлар туфайли бугунги кунга келиб боғчалар сони 38 мингдан, қамров эса 78 фоиздан ошишига эришилди. Яқин йиллар ичида эса қамров 80 фоизга етказилиб, боғча кириб бормаган маҳалла қолмайди. Эътиборли жиҳати шундаки, Президентимиз соҳадаги ислоҳотлар натижаларига тўхталар эканлар, мактабгача таълимда ҳам тарбиячилар маоши мактаб ўқитувчиларига тенглаштирилгани, сентябрь ойидан бошлаб эса боғча мудиралари ҳам мактаб директорлари билан бир хил маош оладиган бўлишини алоҳида таъкидлаб ўтдиларки, буни беш-олти йил аввал ҳатто тасаввуримизга ҳам сиғдира олмасдик. Асосийси, мулоқот чоғида Президентимиз боғча тарбиячилари учун кутилмаган муҳим янгиликни айтганлари бўлди. Яъни, бугунги кунда мактабгача таълим тизимида фаолият кўрсатаётган 120 минг нафар тарбиячилардан олий маълумотга эга бўлмаган деярли 70 фоиз қисми келгусида ўқитувчилар каби тоифа олишлари учун имконият яратиш мақсадида босқичма-босқич (ҳар йили 10 минг нафаргача) ишдан ажралмаган ҳолда олий маълумотли қилинади. Бундан ташқари эндиликда худди Президент мактаблари каби ҳар бир вилоятда “Янги авлод” боғчалари ташкил қилиниб, уларда тарбиячилар илғор педагогик технологияларни ўрганадилар.

Мулоқот чоғида Президент ўрта таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаси хусусида ҳам муҳим рақамларни келтириб ўтди. Масалан, кейинги саккиз йилда 500 га яқин янги мактаблар қурилиб, мавжудларининг кенгайтирилгани ҳисобига қўшимча 1 миллион ўқувчи ўрни яратилди. Жумладан, мактаб таълимида янги йўналиш – хусусий мактаблар фаолияти учун катта имкониятлар яратилгани боис ушбу таълим масканларига жалб этилган ўқувчилар сони 200 минг нафардан оширилишига эришилди.

Таълим тизимида амалга оширилаётган ўзгаришларда ривожланган мамлакатлар тажрибасида синалган усулларни жорий этиш ҳам ижобий самара бераётганлиги, бу борадаги вазифалар давом эттирилиши ҳам таъкидлаб ўтилди. Жумладан, янги ўқув йилидан бошлаб мактаб даврида ўқувчиларнинг қобилиятига қараб, касб ёки олий таълимга йўналтириш учун 9- ва 11-синф ўқувчилари учун ягона давлат имтиҳонлари жорий қилиниши бошланди ва шу орқали 400 мингга яқин 9-синф ўқувчилари техникумларга қамраб олинади.

Мулоқот чоғида касбий таълимда кутилаётган ўзгаришларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, жорий бир йил ичида 100 та техникумда ривожланган давлатларнинг таълим ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, уларнинг энг илғор касбий таълим дастурлари жорий қилиниши кутиляпти. Бундан ташқари, касбий кўникмаси бор исталган талабгор ушбу техникумларда хорижий давлатларнинг малакани баҳолаш тизими орқали имтиҳондан ўтиб, халқаро сертификат олиши мумкин бўлади. Айниқса, касбий таълим тизимида дуал таълим билан қамров 5 бараварга оширилиши белгиланганлиги касбий таълим кўникмаларини ишлаб чиқариш билан ҳамкорликда ўзлаштириш учун бир вақтнинг ўзида ўқитувчилар учун ҳам талабалар учун ҳам кенг имкониятлар яратиши шубҳасиз. Муҳими, бу соҳада ҳамкор корхоналарни рағбатлантириш (масалан, уларга имтиёзли кредитлар беришни шакллантириш) тизимининг яратилиши, келгусида ҳамкор ташкилотларнинг ўзида ҳам касбий таълим билан ҳамкорликни амалга оширишга қизиқиш ва эътиборни кучайтиришга замин яратади албатта. Айни пайтда янги имкониятларни ўзлаштириш, хорижий инвесторлар билан эркин мулоқот қилиш учун чет тилларни ўқитиш ҳам жуда муҳимлиги кўрсатиб ўтилди. Шу боис техникумлардаги хорижий тиллар учун ажратилган соатлар 4 карра кўпайтирилади.

Мулоқот жараёнида давлатимиз раҳбари техникумларда фаолият кўрсатаётган муаллим ва усталар малакасини, жамиятдаги мавқеини ошириш бўйича илгари сурган ташаббуслари ҳам бугунги кунда нафақат касбий таълим тизими ходимлари, балки кенг жамоатчилик томонидан алоҳида эътибор билан кутиб олинди. Гап шундаки, эндиликда мактабдаги каби техникумларнинг ўқитувчи ва усталари учун касбий сертификатлаш тизими жорий этилади. Натижада техникум устозларига миллий сертификат учун ойлигининг 30 фоизи, халқаро сертификатга эса 50 фоиз миқдорида устама тўланади. Шунингдек, техникум директори ва ўринбосарларига мактабдаги ҳамкасбларидан кам бўлмаган ойлик берилиши кутиляпти. Агар улар “Директорлар мактаби”да менежерлик сертификатини олса яна қўшимча 20 фоиз устама олишади. Айниқса, энди ҳар йил 500 нафар муаллим илғор хорижий таълим ташкилотларида, яна 500 нафар усталар эса чет элда йирик корхоналарда стажировка олишлари учун имконият яратилаётгани, яқин йилларда касбий таълимда муҳим юксалишларга эришилишига шароит яратиши шубҳасиз.

Муҳтарам Президентимизнинг таълим соҳасида ўртага ташлаган ушбу навбатдаги ташаббуслари ва уларнинг ижроси, айтиш лозимки у кишининг “Янги Ўзбекистонда энг муҳим соҳа – таълим, энг ҳурматли инсонлар – ўқитувчи ва мураббийлардир!” деган даъватларига ҳамоҳангдир ва бу ташаббуслар натижаси яқин йиллар ичида ўз самарасини кўрсатиши шубҳасиз.

**Даврон ОРИПОВ.**

## МУАЛЛИМА АЁЛЛАР



*Оқ тонглардан гулдасталар тутгали,*
*Сўз мулкига бир зум сайр этгали,*
*Шаънингизга бир ширин сўз айтгали,*
*Юрагимни қийнар турфа саволлар,*
*Оллоҳ менга изн берсин, муаллима аёллар.*

*Тонгла туриб юмушга бел боғлайсиз,*
*Фарзандингиз ювиб, тараб чоғлайсиз.*
*Инжиқ феъллли эрнинг кўнглин чоғлайсиз,*
*Бошингизда кунда минг хил хаёллар,*
*Оллоҳ сизга сабр берсин, муаллима аёллар.*

*Сиз заҳматкаш, сиз ботирсиз, қодирсиз,*
*Ўз касбининг устасисиз, моҳирсиз,*
*Инсон қалбин сеҳрловчи шоирсиз,*
*Сочингизга қўнибди-ку қировлар,*
*Оллоҳ сизга тўзим берсин, муаллима аёллар.*

*Уйда фарзанд, мактабда халқ боласи,*
*Ҳар иккиси ширин сўзнинг гадоси.*
*Ҳам устозсиз, ҳам уларнинг онаси,*
*Сиздан меҳр кутар бу ёш ниҳоллар,*
*Оллоҳ сизга меҳр берсин, муаллима аёллар.*

*Мактаб ва уй, уй ва мактаб йўлингиз,*
*Доим бирдек сизнинг ёзу қишингиз.*
*Ўқиш, ёзиш сизнинг кунлик ишингиз,*
*Фақат сизсиз еяр нони ҳалоллар,*
*Оллоҳ сизга қўним берсин, муаллима аёллар.*

*Камтаринсиз ҳамда одоб ҳаёли,*
*Соҳибасиз рўзғорида хаёли.*
*Сиз аёлсиз, ўзбегимнинг аёли,*
*Олқиш сизга, таъзим сизга эй жонлар,*
*Оллоҳ сизга умр берсин, муаллима аёллар.*

**Ёқуб ҚАНОАТ**

БОЙСУН

Азиз муштарийлар!



2026 ЙИЛ УЧУН “БОЙСУН” ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Обуна бўлиш бевосита газета муҳарририяти орқали амалга оширилади. (Агробанкдаги ҳисоб рақами: 20210000400429681001, ИНН:202173689)

Йиллик обуна баҳоси — 300000 сўм.

## МАШАҚҚАТЛИ..., ҲУЗУРЛИ КАСБ ЭГАСИМАН

***Ҳар йили куз фаслининг иккинчи ойи – октябрнинг биринчи кунида юртимизда энг ажойиб байрамларимиздан бири - Ўқитувчилар ва мураббийлар куни нишонланади. Ота-оналар, шогирдлар, тарбияланувчилардан миннатдорчилик изҳорлари, байрам табрикларини эшитиб, биз устозларнинг бошимиз кўкка етади.***

Ўқитувчилик – касбларнинг энг улуғи, масъулиятли ва шу билан бирга шарафлисидир. Устоз болага нафақат таълим-тарбия, балки ҳаёт сабоғини ҳам беради. Чунки барча ўқитувчи ва мураббийлар аввало ёш авлод таълим-тарбияси ишониб топширилган жамият ва ота-оналар олдида, шунингдек, “устозим” деб сизга суянган шогирдлари олдида масъуллар. Устоз-мураббийлар ёшларга қанчалик мукаммал таълим-тарбия берса, мамлакат, жамият ҳам шунга мувофиқ юксалиб боради. Шу боис биз педагог-устозлар ёш авлод таълим-тарбияси учун ўз жавобгарлигимизни юракдан ҳис қилган ҳолда ишлашимиз лозим бўлади. Зеро, ўқитувчилик фаолияти, мураббийлик вазифаси дунё тамаддунининг устунларидан бири бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Шахсан мен ўзим тарбиячи-мураббийлик касбимдан ҳамиша фахрланиб, бу касбнинг машақққатларидан ҳузур топиб келганман. Очиғини айтсам, “беғубор маскан” аталмиш боғчада мураббийлик қилиш, эндигина ҳаётга атак-чечак қадам босган мурғак қалбларга ҳаётнинг илк сабоқларини солиш бахтига муяссар бўлганимни Яратганнинг улуғ эҳсони деб биламан. Шундан бўлса керак, ушбу касб ичида ўтган кейинги 20 йиллик ҳаётимнинг ҳатто бир сонияси учунда ҳеч афсусланмаганман. Нега афсусланай, ахир жамиятимиз, келажагимизнинг бўлғуси устунлари, тараққиётимизнинг давомчиларини ҳаёт деб аталмиш улуғ кошонанинг илк пиллапояларига оёқ қўйишларининг сабабчиси бўляпманку...

Бир тасаввур қилинг, оппоқ, кўзлари чақноқ, фаришта болажонларнинг “опа”, “опажон” дея биз мураббийларга мурожаат қилишларини... Қалбингиз гўё дарёдек тошади, бу мулозаматларни эшитиб. Бутун борлиғингизни, ўзингиздаги бор билим, меҳр-муҳаббатни уларга улашгингиз келади, беихтиёр. Сиз уларнинг эртаси, тақдири учун ота-оналаридан кейин масъул инсон эканлигингизни англайсиз. Улар биз яшаб турган она сайёранинг эртанги эгалари, келажак тарихини битувчилар эканлигини ҳис қиласиз.

Ўқитувчининг, устознинг масъулияти яна шундаки, унинг хизматлари фақат бугун ёки эрта учун эмас, бутун бир авлод умри баробарича вақт давомида ўз таъсирини билдириб туради. Айтайлик, шифокор хатога йўл қўйса бир инсон жабр кўради. Кези келганда ўша жабр таъсири ҳам тезда унутилади ё кечирилади. Муҳандис хато қилса ишлаб турган дастгоҳ вақтинча тўхтаб қолиши мумкин – тузатилса ишлаб кетади. Ўқитувчининг хатоси эса бутун жамиятга, давлатга қимматга тушиши мумкин. Бу хато туфайли келажакда даҳо инсон бўлиши мумкин бўлган талаба ношуд бўлиши, ҳеч бўлмаганда инсонларга нафи тегиши мумкин бўлган шахс бир умр ўзига ҳам, жамиятга ҳам бир тийинлик фойда бермайдиган ялқов, саводсиз одам бўлиб ўтиши мумкин. Яъни, ўқитувчи-мураббийнинг хатоси ўша ношуд шогирдлар мисолида жамиятга узоқ йиллар фақат ташвиш келтиради, холос.

Машҳур турк шоири Нозим Ҳикмат: “Болаларга берайлик дунёни, ҳеч бўлмаса бир кунга...” деган экан. Биз устозлар эса уларга дунёни ҳар кун берайлик. Зотан, улар гарчанд мурғак бўлсалар-да, бу дунёнинг ажойиботларидан ўзлари учун ҳар кун ўзгача ранг, ўзгача завқ ва ўзгача ҳайрат топадилар. Албатта, биз устозларнинг ёрдамида...

Бола тарбиясида биз устозлар фавқулотда топқир, зукко бўлишимизга тўғри келади. Бу борада бир қадар сусткашлик, эътиборсизлик улар назарида бизга бўлган ишончни йўқотиши мумкин. Масалан, мен ўзим иш фаолиятим давомида одобнинг аввали бўлган салом бериш маданиятини ўзлаштириши қийин бўлган болаларга, уларнинг ота-оналарига бир ажойиб воқеани айтиб беришни одат қилганман. Унинг қисқача мазмуни шундай:



Тўрт-беш ёшлардаги қизалоқ кўчадан югуриб келиб онасининг бағрига отилади ва: “Ойижон, мен бугун сизга жаннатдан тўрт дона оқ атиргул олиб келдим” дея суюнчилади. Қизалоқнинг қўлларида гул йўқлигига эътибор қилганларга онаси шундай изоҳ беради: “Мен қизимга салом беришни ўргатишнинг гўзал усулини ўйлаб топдим. Яъни, унга сен бир кунда неча кишига салом берсанг менга жаннатдан шунча гул совға қилган бўласан”, дедим. Шундан буён қизим кўча-кўйда салом беришни канда қилмайди. Ҳар куни менга гул совға қилади – “Жаннат гули”ни!

Назаримда нафақат устозлар, ота-оналар ҳам фарзанд тарбиясида мана шундай ўзига хос усуллардан фойдалансалар яхши бўларди. Бугун ўзим устоз сифатида тарбияланувчи шогирдларим ҳақида гапирар эканман, қачондир ўзим ҳам шогирд бўлганим, менинг ҳам жондан азиз устозларим бўлганлигини эслаб тураман. Бугун ҳаётда, оила парваришида, фаолиятимда неки яхши натижаларга эришган бўлсам уларнинг беминнат хизматлари, таълим-тарбиялари туфайли бўлган. Шу муносабат билан мен шахсан менга таълим-тарбия берган устозларимни, барча ҳамкасб устоз-мураббийларни касб байрамимиз билан табриклайман. Меҳнат фаолиятимиз давомида қилаётган амалларимиз, таълим-тарбия йўлидаги интилишларимиз жамият учун, мустақил давлатимиз равнақи учун бир қадар наф бераётган бўлса, демак биз шарафли касб эгаси сифатида тўғри йўлдамиз.

Касб байрамингиз муборак, азиз устозлар ва мураббийлар!

**Мавжуда БЎРИЕВА,**
**4-сон давлат мактабгача таълим ташкилоти бош тарбиячиси.**

**Янги Ўзбекистонда энг муҳим соҳа – таълим, энг ҳурматли инсонлар – ўқитувчи ва мураббийлардир**

*Шавкат МИРЗИЁЕВ*

# NAVBATDAGI SESSIYA BO`LIB O`TDI

***Xalq deputatlari tuman Kengashining XIV sessiyasini tuman hokimi, Kengash raisi Bohadir Shukurov qisqacha nutq so`zlab ochgandan so`ng sessiya muhokamasiga qo`yilgan dastlabki ikki masala yuzasidan tuman hokimining birinchi muovini Sherzod Abdullayevning ma`ruzalari tinglandi.***

Dastavval u joriy yilning iyul-avgust oylarida o`tkazilgan ikkinchi mavsumda jamoatchilik fikri asosida shakllangan tadbirlarni ko`rib chiqish va moliyalashtirish bo`yicha manzilli ro`yxatni tasdiqlash haqida so`z yuritar ekan, buning uchun 10 milliard 500 million so`mdan iborat to`qqizta loyiha ishlari amalga oshirilishini alohida ta`kidlab o`tdi. Ayniqsa, bu o`rinda xalq ta`limi tizimi muassasalariga keng o`rin berilgan. Chunonchi, 1-politexnikum, 6-, 36-, 37-, 41-maktablar, 1-sonli MTT hamda Duoba, Munchoq, Ko`chkak mahallalarida “Ochiq byudjet” asosida yo`naltirilgan mablag`lar hisobidan bunyodkorlik ishlarini boshlash kerakligi haqida ko`rsatmalar berdi. Shuningdek, ma`ruzachi 2025-yilda “Boysun tumanida “Zarbdor” tajribasi asosida sanoat, qishloq xo`jaligi hamda xizmat ko`rsatish yo`nalishlarida



tadbirkorlikni rivojlantirish va aholining bandligini ta`minlashda turtki beruvchi loyihalar ishlab chiqish hamda tumanni kompleks ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish dasturi to`g`risida” mufassal gapirdi. Bu ishlarni bajarish uchun Prezidentimizning farmon va ko`rsatmalari amaliy dastur ekanligini ta`kidlab o`tdi.

Sessiyada tuman hokimi o`rinbosarlari Abdulfattoh Husanov va Muhammadi Qodirovlar ham yoshlar muammolarini hal qilish, ularning bandligini ta`minlash, o`tkazilgan muloqotlar davrida yigit-qizlar tomonidan ko`tarilgan muammolarga bugungi kundagi e`tibor, viloyatimizni kompleks ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish hamda aholi turmush darajasini yaxshilash to`g`risidagi Prezidentimiz qaroridan kelib chiqib, Boysun tumanida bu borada bajarilgan ishlar ijrosi xususida atroflicha so`z yuritdilar.

Yuqoridagi masalalar yuzasidan deputatlarimizdan Zohida O`zbekova, Bekmurod Hayitov, O`ral Murodovlar atroflicha so`z yuritib, o`z taklif-mulohazalarini o`rtaga tashladilar.

Sessiya kun tartibida ko`rilgan masalalar yuzasidan qaror qabul qildi.

**Jo`rabek CHORIYEV, tuman Kengashi deputati.**

# ФИДОЙИ УСТОЗ

**Устоз бу даргоҳга илк қадам қўйганларига ҳам ярим асрдан ошибди. Ўша, олис етмишинчи йилларда бу ерга у кишини мусиқа, санъатга бўлган ошуфталик етаклаб келган эди. Домланинг илк устозлари бўлмиш акалари Файзулла ака ўз иниларида мусиқа санъатига бўлган қизиқиш шунчаки ўткинчи бир ҳавас эмаслигини англаб, шахсан ўзлари болалар мусиқа ва санъат мактабига, мусиқа санъати сирларини профессионал мутахассислардан ўрганиш мақсадида бошлаб келган эканлар.**

“Раҳматлик акам илк устоз сифатида мени мусиқа оламига олиб кирмаганларида, ҳеч қачон шу даражага етмаган бўлардим”, дея кейинчалик кўп эслаганлар устоз акалари ҳақида.

Аслида, мусиқа, қўшиқ санъатининг ўзига хос сир-синоатларидан бири ҳам шу - ҳар қандай шогирднинг келгусида бу сирли маъвода қолиш-қолмаслиги, нималаргадир эришиш-эришмаслиги энг аввало устозларга боғлиқ. Зотан, Панжи ака Чориевнинг мусиқа санъати соҳасида ўтган ярим асрлик фаолиятининг дастлабки пойдевори домланинг илк устозлари томонидан мустаҳкам яратилгани туфайлидир. Хусусан, мусиқа мактабида ўтган беш йиллик (1972-1977 йиллар) бошланғич мусиқа сабоқлари даврида тажрибали мусиқашунослар Маннон Умаров, кейинчалик Ҳабибулло Умаровлардан қашқар рубоб чолғусини чалиш сирларини ўрганиш, изланиш йиллари бўлди. Кейинчалик айни шу устозлар даъвати билан мусиқа соҳасида янада кенгроқ билим олиш мақсадида 1983-1987 йилларда Термиз Давлат мусиқа билим юртида халқ чолғулари йўналиши, афғон рубоби мутахассислиги бўйича таҳсилни давом эттирганлар. 1987 йилда билим юртини муваффақиятли тугатгач Бойсун туман 6-сон болалар мусиқа мактабида афғон рубоби синфи ўқитувчиси сифатида ўз меҳнат фаолиятини бошлаган домла, мана деярли қирқ йилдан буён шу даргоҳдалар.

Кўп йиллик тажрибага эга устоз сифатида мусиқа ва санъат мактабимизда таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, ёшларни мусиқа санъати орқали ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, бўш вақтларини мазмунли ўтишини таъминлаш ҳамда ёшлар орасида санъатнинг турли йўналишлари бўйича иқтидорлиларини саралаб, мусиқа санъатининг кейинги босқичларига йўналтиришда алоҳида намуна бўлиб келяптилар. Бугунги кунда жамоамизнинг кўплаб ёш мутахассис ходимлари домланинг тажрибаларини ўрганиб, у кишининг узоқ йиллик фаолиятларига ҳавас қилиб, устозга интилишга ҳаракат қилишлари эса мусиқа мактабимизда Зикир Умаров, Маннон Умаров, Собир Бадриддинов каби номдор устозларимиз қолдириб кетган “устоз-шогирд” анъаналари бугун ҳам бардавом эканлигини кўрсатади.




Устоз Панжи Чориевнинг яна бир ажойиб хислатлари – иш давомида ҳамиша янги ғоялар, таклифлар билан чиқиб, бутун жамоа билан ҳамкорликда уларни ҳаётга татбиқ этишга интилишларидир. “Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти, бинобарин ҳаракатларимиз ҳам шунга мос бўлиши керак. Жумладан, бизнинг фаолиятимизда ҳам, - дея таъкидлаб турадилар домла. – Янгича фикр, янгича дунёқарашга эга шогирдлар пайдо бўляпти. Уларнинг дид-савияси талабидан келиб чиқиб биз устозлар ҳам иш услубларимизни замон талабига мос тарзда янгилаб туришимиз, янги ғоялар билан яшашга ўрганишимиз керак”.

Мусиқа ва санъат мактабимиз қошида Халқ чолғулари оркестри ташкил этиш ва йўлга қўйишда Панжи аканинг хизматлари катта бўлган. Бугун ушбу оркестрни бошқариш ва фаолиятини олиб бориш айнан домланинг ўзларига юклатилгани боис, унинг репертуарлари кенгайиб, иштирокчилар сони ҳам кўпайди. Мана, неча йилдирки, туманимиз миқёсида ўтказиладиган катта-кичик тадбирлар, маданий-маърифий анжуманларда ушбу оркестр ўзининг ранг-баранг дастурлари билан иштирок этиб, мухлислар, санъат ихлосмандларининг эътибор ва эътирофига сазовор бўлиб келяпти.

-Бизнинг ишимизда иқтидорли шогирдлар қолдириш ва уларни элга танитиш энг муҳим кўрсаткич, - дея таъкидлайди домла.

Домла фақат таъкидлабгина қолмайдилар, балки шунга чин кўнгилдан ҳаракат ҳам қиладилар. Масалан, мактабимизда Панжи Чориев қўл остида таълим олган Жамшид Оллоқулов бугунги кунда ўзбек миллий мақом санъат маркази Сурхондарё филиалида созанда вазифасида, Нафиса Оллоқулова эса ўзи таълим олган 6-сон мусиқа ва санъат мактабида, Акмал Хўжамиёров 9-сонли, Илҳом Норов 8-сонли умумтаълим мактабида мусиқа маданияти фани ўқитувчиси лавозимида фаолият кўрсатиб келяпти. Устозимизнинг мусиқа санъатини тарғиб қилиш, ёшларга мусиқа санъати таълимини ўргатиш борасида олиб борган кўп йиллик самарали меҳнатлари ҳам ўз вақтида эътироф этилиб, “Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаганлиги учун” ҳамда “Фидойи ўқитувчи” кўкрак нишонлари билан тақдирланган.

Устоз, мусиқа ва санъат соҳаси фидойиси Панжи Чориевнинг кўп йиллик самарали меҳнатлари ҳақида ушбу эътирофларимизни қоғозга тушириш баробарида у кишини бутун жамоамиз ва шогирдлари номидан Ўқитувчилар ва мураббийлар куни - касб байрамлари билан табриклаб, келгуси фаолиятларига омад тилаб қоламиз!

**Эркин НИЁЗОВ,**
**Бойсун туман 6-сон болалар мусиқа ва санъат мактаби директори.**

# ХАСТАЛИККА ЧАЛИНГАНЛАРГА БЕҒАРАЗ ЁРДАМ

***Ҳаётимизда оғир хасталикга чалиниб, охир-оқибат тўшакка михланиб қолган фуқаролар ҳам бор. Уларга кунлик эътибор жуда-жуда зарур. Чунки мурувват кўрсатиш, саховатпешалик ва эътибор уларнинг ҳаётини узайтиришга ёрдам қилади.***

Мен доим шундай деб ўйлайман. Мана, бойсунга келин бўлиб тушганлигимга ҳам қарийб ярим аср бўляпти. Маҳаллалар билан ҳамиша биргаман. Маҳалла хонадонларида бўлиб, фуқароларимизнинг ҳол-аҳволи, юриш-туришини кўриб айримларга қўлимдан келганча ёрдам қиламан. Шу кунгача ўндан ортиқ лойиҳа асосида грант ютганлигимни ҳисобга олсам, уларнинг барчаси маҳалла ишини ривожлантириш, фуқаролар соғлиғини сақлаш, айниқса, кам таъминланган оилаларга ёрдам қилиш, хотин-қизларнинг ижтимоий аҳволини яхшилашга қаратилаётганлиги мени бот-бот ижобий ишларга йўналтиради.

Буни ҳисобга олиб мени вилоятдаги нуфузли ташкилотга раҳбар этиб тайинлаганларига ҳам мана бир неча йил бўлди. Нафақат туманимиз, Сурхон воҳасининг бошқа ҳудудларида ҳам лойиҳалар асосида



беғараз ёрдам кўрсатаётганлигимдан хурсандман. Сурхондарё вилояти Аёллар ва ёшларни реаблитация қилиш маркази томонидан туманимиздаги “маҳалла еттилиги” вакиллари ҳамда маҳалла раҳбарлари билан биргаликда “Оғир хасталикка чалинган ва оғир ижтимоий аҳволдаги фуқароларни қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси доирасидаги режага биноан Тоқчи, Сайроб, Газа, Сариосиё маҳаллаларидаги айрим хонадонларда бўлиб, оғир дардга чалинган беморларнинг аҳволини ўргандик. Улар билан суҳбатлашиб, даволанишлари учун керакли маслаҳатлар берилди. Етмиш миллион сўмлик ажратилган грантлар Гулнора Саидова, Озода Абдуллаева, Дилором Ҳайдарова, Холида Рўзиқулова, Зулайҳо Норқобилова, Зуҳра Жумақуловаларнинг саломатликларини тиклаш учун даволаш муассасаларига ўтказиб берилди.

Албатта, бу саховатпешалик, ижтимоий ёрдам фуқароларнинг соғлиғини тиклашга ёрдам берса, мен ўзимни бахтиёр ҳисоблайман.

**Моҳира ЧОРШАНБИЕВА,**
**вилоят Аёллар ва ёшларни реаблитация қилиш маркази директори.**

# ISH SO‘RAGANDAN... MING TANGAMI?

**O`zgalar ishonchiga kirib, turli aldov yo`llar bilan firibgarlik jinoyatini sodir etish jamiyat uchun og`ir falokatlarni olib kelishi mumkin bo`lgan jinoyat turlaridan biri hisoblanadi. Zero, firibgarlik jinoyati tufayli aksariyat hollarda asosan oddiy odamlar, ochiqrog`i hayot tashvishlari tufayli davlat xizmatchilari yoki ma`lum bir mansabdor shaxsga ishi tushgan fuqarolar jabr ko`radilar. Ana shunday jabrlanuvchilardan biri – boquvchisidan ayrilgan va oila boqish ilinjida ne umidlar bilan ish so`rab nufuzli davlat idoralaridan biriga murojaat qilgan Mehriniso Tursunova bo`ldi.**

Boquvchisidan ayrilgan M.Tursunova dastlab ish izlab xorijga ham chiqmoqchi bo`ldi. Ammo uni bu yo`ldan qaytargan yaxshi insonlar avval o`zimizdan ish izlashni, binobarin amaldagi tartiblar asosida tegishli idoralarga murojaat qilinsa, albatta, ish topilishiga ishontirishdi. Tibbiyot hamshirasi bo`yicha mutaxassisligi bo`lgan Mehriniso ham ularning to`g`ri maslahatiga ko`nib mutaxassisligi bo`yicha tuman birlashgan kasalxonasiga ishga joylashishiga amaliy ko`mak berishlarini so`rab Boysun tuman Kambag`allikni qisqartirish va bandlikka ko`maklashish bo`limiga ariza ko`tarib keldi. Tuman aholisi bandligini ta`minlash nazorati ustidan asosiy vakolatga ega bo`lgan ushbu mahkama inspektori Davlatbek Ma`murov (ismi-sharifi o`zgartirildi) uning arizasini olib qo`yar ekan, arizachi go`yoki ikki-uch kun ichida ishga joylashishini ko`z oldiga keltirib, yaxshi umid bilan minnatdorchilik bildirishni ham unutmadi.

Biroq vaziyat u kutgan va umid qilgandek bo`lib chiqmadi: arizachi bu mahkamaga yana bir necha oylar qayta-qayta qatnab, inspektor qarshisida aybdor musichadek bosh egishga majbur bo`ldi. Yo`q, inspektor unga qattiq gapirmadi, noumid ham qilmadi. Faqat... har gal uning arizasi navbatga qo`yilganiyu, kimlargadir falon miqdorda “ko`rmana” berishi lozimligini eslatib turdi.

Arizachi inspektor D.Ma`murov va`da bergan “arizani navbatga qo`yish va viloyatdan kattakonlar kelib tanlov o`tkazadigan kun” kelavermagach qaradiki D.Ma`murov taklif qilgan va tanlovni tezlashtirish uchun “katalizator” vazifasini bajarishi mumkin bo`lgan miqdordagi pul mablag`ini olib kelmasa ish pishmaydigan ko`rinadi. Oqibat u majburiyat yuzasidan D.Ma`murov aytgan 5 millionn 160 ming so`m mablag`ni olib kelib berishdan boshqa chora topmaydi. D.Ma`murov esa xizmat vazifasiga ko`ra byudjet tashkilotlarida mehnat qonunchiligini nazorat qilish, majburiy mehnat va uning oldini olish, ish haqi berilishi va ushlab qolinishi bilan bog`liq holatlarni, ishdan noqonuniy bo`shatilganlarni mehnat қonunchiligi bo`yicha himoya qilish, kelib tushgan arizalarni o`rganish, murojaat qilgan yuridik va jismoniy shaxslarga maslahat va tushuntirishlar berishdan iborat ekanligini bila turib, xizmat lavozimi talablariga zid ravishda firibgarlik yo`li bilan shaxsiy manfaatdorlik uchun olib qoladi.

Biz quyida mazkur jinoiy ishga tegishli bo`lgan sud materiallarida keltirilgan barcha tafsilotlar haqida gapirmoqchi emasmiz. Shuning uchun ham uning mohiyatiyu, oqibati haqida qisqacha fikr bildiryapmiz. Unga ko`ra ish yakuniga kelsak, D.Ma`murov sud jarayonida o`z qilmishlari va aybiga iqror bo`lib, qilmishlaridan pushaymon ekanligini bildirdi. Qolaversa, o`z haq-huquqlaridan bir oz bo`lsa-da xabardor bo`lgan jabrlanuvchi inspektor bilan bo`lgan suhbatlar va kelishuvlar hamda pul oldi-berdi jarayonlarini shaxsiy telefoniga yozib olgani va har ehtimol saqlab qolgani ham uning turli bahonalar bilan firibgarlik tamg`asidan qutulib qolish yo`lida qilgan urinishlarini barbod qildi. Natijada sud hukmi bilan unga uch yil muddatga davlat va davlat ishtirokidagi tashkilotlarda mansabdorlik va moddiy javobgarlik yuklatilgan ishlardan mahrum qilish va ish haqining 30 foizini davlat daromadi hisobiga ushlab qolgan holda 2 (ikki) yil muddatga axloq tuzatish ishlari jazosi tayinlandi.

Mamlakatimizda korrupsiyaviy holatlarning oldini olish va unga qarshi kurashish davlatimiz hamda huquq-tartibot idoralari oldida turgan eng muhim vazifalardan biri ekanligi barchaga ayon. Xususan, huquq-tartibot idoralari, shu jumladan prokuratura xodimlari tomonidan doimiy ravishda aholi va davlat xizmatchilari orasida muntazam profilaktik tadbirlar o`tkazib turilibdi. Afsuski, bu kabi jinoyatlarni sodir etayotganlar orasida ushbu maqolada tilga olingan D.Ma`murovga o`xshagan davlat xizmati xodimlari ham mavjudki, ularning aldamchi to`riga tushib qolmasliklari uchun fuqarolardan hushyorlik, korrupsiyaning zararli oqibati va albatta o`z huquqlarini bilishlarini so`rab qolamiz.

**J.NIYAZOV,**
**Respublika Bosh prokuraturasi boshqarma prokurori.**

**E.MUSIRMONOV,**
**Surxondaryo viloyat prokuraturasi bo`lim prokurori.**

# БОЛАЛАРНИ МАКТАБДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИДАН ЗАҲАРЛАНИШДАН АСРАНГ!

***Юртимизда янги ўқув йили бошланди. Энди нафақат синфхоналар, балки мактаб ошхоналари ҳам ўқувчилар билан гавжум. Шу сабабдан мактаб ошхоналаридаги болалар истеъмоли учун бериладиган озиқ-овқат маҳсулотларини Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган 0017-21-сонли санитария қоида ва гигиена меъёрлари талаблари асосида сақлаш, соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида рухсат этилмаган маҳсулотларни сотиш ва истеъмол қилиш қатъиян тақиқланади. Яъни, ушбу қонун ҳужжати асосида мактаб ошхоналарида гамбургер, чизбургер, ходдок, нондок, хрустияшкий, чипс, энергетик ва газли, рангли ичимликларни сотилиши, консерва маҳсулотлари ҳамда консерва қўшилган маҳсулотларни умумтаълим мактаб ошхоналарида сотишга рухсат берилмайди.***

Шунингдек, ўрнатилган норматив ҳужжатларга кўра мактаб ошхоналарида колбаса маҳсулотлари қўшилган майонез, кетчуп, орасига сабзавотлар солинган гамбургер, чизбургер, ходдок ва нондоклар, сунъий таъм ва ҳид берувчи бўёқлар қўшилган консервантлар, ароматизаторлар қўшилган озиқ-овқат маҳсулотларини сотилишига рухсат берилмайди. Шу билан бирга умумтаълим мактаб ошхоналарида қурт, сақич, уйда тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотларини, қадоғи бузилган ёки бомбаж ҳолатига келиб қолган маҳсулотларни ҳам сотилишига қатъий рухсат берилмайди.

Умумтаълим мактабларининг ошхоналарида озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишда у ерда тайёрланаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Яъни кемирувчилар ва зараркунандалар билан зарарланган озиқ-овқат маҳсулотлари, герметиклиги бузилган, солмонеллоз билан зарарланган тухум маҳсулотларини ҳам умумтаълим мактаби ошхоналарига киритилишига рухсат этилмайди.

Баъзан мактабларга ота-оналар томонидан туғилган кун ва бошқа тадбирларда уйда тайёрланган ҳар хил турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ёки қандолат маҳсулотларини келтирилишига ҳам гувоҳ бўлишимиз мумкин. Ваҳоланки, ушбу ҳолат ҳам амалдаги санитария қоида ва меъёрлари талабларига зид. Бундан ташқари, умумтаълим мактабларида уйда қўлбола шароитда тайёрланган твороглар, сут маҳсулотлари, дестерилизация қилинмаган сут маҳсулотларини ҳам келтирилиши ва сотилишига рухсат этилмайди. Негаки рангли салқиин ичимликлар, ходдоклар, гамбургерлар, чизбургерлар, чипслар инсон организмига оқсил моддасини сўрилишида ҳамда ушбу маҳсулотларда оқсилга нисбатан ёғ ва углеводларнинг кўплиги билан инсон организмига хавф туғдириб ҳамда семириш касаллигига мойилликни кучайтиради.

Ҳурматли ота-оналар! Фарзандларимиз ҳар жиҳатдан соғлом ва тетик бўлиб етишишига тўсқиинлик қилувчи юқорида кўрсатилган омил ва сабабларга қарши биргаликда курашайлик, зеро ҳар бир ота-онанинг юксак бахт ва орзуси ўз фарзандини етук ва баркамол, соғлом бўлиб вояга етганлигини кўришдир.

**С.ҚУРБОНОВ,**
**Бойсун туман Санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими врач ёрдамчиси.**

**Келажак замонавий билимлар билан қуролланган янги касб эгалариники бўлади**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

# КРИМИНОГЕН ВАЗИЯТИ МУРАККАБ МАҲАЛЛАЛАРДА МАНЗИЛЛИ ИШЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

***Жорий йилнинг 18 августида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қарорларига маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизими натижадорлигини янада оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги (ПҚ-253-сон) Президент қарори қабул қилинди.***

Мазкур қарорга кўра криминоген вазияти мураккаб бўлган маҳаллаларни сунъий интеллектда ишловчи махсус дастурий таъминотга интеграция қилинган замонавий камералари билан тўлиқ қамраб олиш, жорий йил якунига қадар жисмоний шахслар мол-мулкини техник қўриқлаш қамровини 30 фоизга, юридик шахслар мол-мулкини қўриқлаш қамровини эса 60 фоизга етказиш белгиланди. Шунингдек, ички ишлар органларида юқори малакали кадрлар заҳирасини шакллантириш мақсадида Ички ишлар Вазирлиги Академиясида масофавий таълим шакли жорий этилиб, бакалавриат дастури бўйича қабул квоталари босқичма-босқич ошириб борилади.

Қарор асосида “Криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда жиноятларнинг олдини олиш бўйича манзилли чоралар” Концепцияси ҳам тасдиқланди ва маҳаллаларда алоҳида ташкилий-профилактик тадбирлар ҳамда манзилли чоралар билан илмий-амалий ёндашувларни уйғунлаштирган ҳолда криминоген вазиятни барқарорлаштириш ва хавфсиз муҳитни яратиш масалалари мазкур Концепциянинг асосий мақсади этиб белгиланди. Ушбу Концепцияга кўра туман (шаҳар) ички ишлар органи бошлиғи ва прокурорнинг хизмат хонаси 2025 йил якунигача бевосита маҳаллада ташкил этилиб, кундалик ишнинг бошланиши ва якуни айнан ўша ерда амалга оширилади. Маҳаллаларда босқичма-босқич маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолияти йўлга қўйилади. Шунингдек, ижтимоий-профилактика объектлари, айниқса, оила-турмуш доирасида ҳуқуқбузарликлар содир этувчи шахсларнинг (жанжалкаш ва низоли оилалар) ҳолидан мажбурий равишда камида ҳар уч кунда хабар олиш амалиёти ҳам йўлга қўйилади. Шу билан бирга Концепцияда маҳаллаларда жиноятчиликнинг олдини олиш борасида криминоген вазиятни барқарорлаштириш, жиноятни жиловлаш, ҳушёрликни ошириш “Маҳалла еттилиги” томонидан фуқаролар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борувчи “Маҳалла тарғиботчиси” жамоатчилик гуруҳлари ташкил этиш ҳам белгиланган.

Маҳаллалардаги жамоат жойлари, кўп қаватли турар-жой ва уйлар олдида “ташвиш” тугмалари ўрнатилади. “Намунали хавфсиз кўча” ва “Намунали хавфсиз уй” ташкил этишга оид талаблар белгиланади.

Қарор билан (https://t.me/huquqiyaxborot/18453) “Криминоген вазияти мураккаб ва оғир маҳаллаларда “Намунали хавфсиз кўча” ва “Намунали хавфсиз уй” ташкил этиш” бўйича намунавий талаблар ҳам тасдиқланди ва “Намунали хавфсиз кўча” ва “Намунали хавфсиз уй” ташкил этишга оид қуйидаги инфратузилмавий талаблар белгиланди:

-тунги вақтда кўчанинг аҳоли истиқомат қиладиган ва ҳаракатланадиган қисми тўлиқ ёритилиши;

-берк кўчалар, ички йўллар ва аҳоли кам юрадиган, жиноят содир этилиши эҳтимоли бўлган қоронғу ҳудудларнинг қисман ёритилиши;

-транспорт воситалари учун автотураргоҳларнинг техник кузатув талабларига жавоб бериши;

-кўчаларда ноқонуний (ёйма) савдо расталари фаолияти тартибга солиниши;

-қаровсиз ертўла, чордоқ ва чиқиндихоналар мавжуд бўлмаслиги.

Концепцияда белгиланган вазифалар ижроси доирасида оғир маҳаллаларда “намунали хавфсиз кўча” ва “намунали хавфсиз уй” ташкил этиш бўйича аниқ вазифалар ҳар чорак ва ҳар ойда маҳалла, туман ва вилоят даражасида ишлаб чиқиладиган “Йўл хариталар”га манзилли киритилади.

“Маҳалла еттилиги” томонидан “Намунали хавфсиз кўча” ва “Намунали хавфсиз уй”ларнинг бошланиши ва тугаш нуқталарига ушбу ижтимоий мақомни билдирадиган стикерлар ўрнатилади.

**Нодир МАМАДИЕВ, Бойсун туман адлия бўлими бошлиғи.**

# ШАКАР ВА ТУЗНИНГ ФОЙДА-ЗАРАРИ

***Бу икки турдаги озуқа маҳсулоти кундалик ҳаётимизда энг кўп ишлатиладиган маҳсулотлардан эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Шундан бўлса керак биз, одатда, бу маҳсулотларнинг инсон организмига етказадиган фойда ёки зарарлари ҳақида ҳеч қачон ўйлаб кўрмаймиз.***

Ваҳоланки, фақат шакар ёки тузнинг эмас, балки кундалик рационимизда бўлган деярли барча озиқ-овқат маҳсулотлари, мевалар ва сабзавотларни истеъмол қилиш, ишлатишда белгиланган меъёрларга амал қилмаслик организм учун у ёки бу тарзда таъсир кучига эга бўлишини замонавий фан аллақачон исботлаб берган.

Шакар – биз истеъмол қиладиган деярли барча маҳсулотлар таркибида табиий равишда мавжуд. Шу билан бирга у бугун биз истеъмол қиладиган тарзда ишлаб чиқарилиб, қўшимча фаол модда сифатида ҳам рационда жуда кўп миқдорда ишлатилади. Аслида шакар инсон саломатлиги учун жуда фойдали бўлиб, агар меъёрида истеъмол қилинса у инсон миясига ва танасига қувват бериш хусусиятига эга. Бироқ афсуски, бугунги кунда инсон шакардан шунчалик кўп фойдалана бошладики, белгиланган меъёрдан жуда кўп миқдорда истеъмол қилиниши натижасида бутун дунё миқёсида шакар маҳсулоти истеъмоли билан боғлиқ кўплаб оғир турдаги касалликлар, муаммолар пайдо бўла бошлади. Оқибатда унга нисбатан “оқ ажал” иборасини ишлатиш даражасига ҳам етиб келдик.

Шакарнинг табиий истеъмоли, масалан таркибида маълум миқдорда шакар моддаси бор меваларни истеъмол қилиш орқали қабул қилиш унчалик хавфли эмас. Аммо таркибида жуда кўп шакар моддаси мавжуд бўлган шакарли чой, кофе, газли ичимликлар, турли пишириқлар ва бошқа кондитер маҳсулотларини ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилиш меъёрдан ошиқ семиришга ва организмда фаол моддалар етишмовчилиги касаллигига мубтало қилади. Бундан ташқари, ортиқча шакар истеъмол қилиш жигар етишмовчилиги, ошқозон ва ошқозон ости бези касаллигининг сабабчиси бўлиши мумкин. Ўз навбатида қон таркибида қанд моддасининг нормадан ошиб кетиши ҳам ўта оғир оқибатларга олиб келиши муқаррар.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан белгиланган меъёрларга кўра инсоннинг бир кунлик тузга бўлган талаби тўрт граммдан (бир чой қошиғидан) ошмаслиги керак. Бу меъёрни сиз кундалик истеъмол қиладиган умумий рационингиз асосида олишингиз лозим. Афсуски, “оқ ажал” номи остидаги маҳсулотлар рўйхатига киритилган тузни ҳаддан кўп истеъмол қилиш ҳам жуда оғир оқибатлар олиб келиши ҳақидаги огоҳликларга деярли эътибор қилмаймиз. Ваҳоланки, ортиқча туз истеъмоли қилиш бўғим касалликлари, буйрак етишмовчилиги, буйракда тошлар пайдо бўлиши, гипертония, юрак етишмовчилиги каби инсон ҳаёти учун хавфли бўлган касалликларга сабаб бўлади. Айниқса, 50 ёшдан юқори бўлган инсонлар туз истеъмолига жуда эҳтиёт бўлишлари, бинобарин, меъёрдан ортиқ туз улар учун ҳаммадан кўп салбий таъсир қилишини унутмасликлари керак. Мутахассис шифокорларнинг фикрича организмда суюқлик тўпланиб қолиши, турли шишлар пайдо бўлишида ҳам ортиқча туз истеъмоли сабаб бўлар экан. Айниқса, шакарнинг инсон организмига тушгандан кейин тузнинг салбий таъсирини кучайтириш хусусиятига эга эканлигини кўпчилик билмаслиги шубҳасиз. Бунда шакар таъсирида қондаги инсулин миқдори қанчалик юқорилаб бориши баробарида буйракда шунча кўп туз ва сув йиғилади. Бу эса ўз навбатида қон босими кўтарилишига олиб келади.

Шифокорлар инсон организмида туз ва шакарнинг ҳаддан ташқари ошиб кетиши натижасида келиб чиқаётган инсон ҳаёти билан боғлиқ бўлган глобал муаммолар ҳақида ҳар қанча ташвишланмасинлар, бу муаммолардан сақланишнинг асосий омили ҳар бир инсоннинг ўз қўлидадир. Масалан, туз таркибида инсон организми учун фойдали бўлган деярли бирор бир зарур элемент ёки витаминлар мавжуд эмас. У асосан таомлар ҳамда бошқа пишириқларга таъм бериш учун ишлатилади холос. Шундай экан, уни ҳаддан ташқари истеъмолига ҳам зарурат йўқ ва соғлом бўламан деган киши уни ўз хоҳиши билан меъёрдан ортиқ бўлмаган ҳолда истеъмол қилишга одат қилиши шарт.

Дунё олимлари шакар ва тузнинг фойдаси кўпми, зарари деган саволга аниқ жавоб бериб бўлишган: ҳар икки маҳсулотнинг ортиқча истеъмоли сизга фойдадан кўра кўпроқ зарар келтиради. Бу талабга амал қилмаган инсон эса ўз саломатлиги ва ҳаётини аҳлий равишда хатарга қолдиради, холос.

**Дилноза УСМОНОВА,**
**Бойсун тумани КТМД Саломатлик ва стратегияни ривожлантириш бўлими ҳамшираси.**

# АЛИМЕНТ ТЎЛАШГА МАЖБУР

***Ҳамшаҳримиз Шодибек Ҳаётов (исми-шарифи ўзгартирилган) фуқаролик суди ва мажбурий ижро туман бўлимига мурожаат қилиб, “Мен бошда уч нафар фарзандимга алимент маблағи тўлаб юрардим. Бироқ икки ойдан ошаяптики, саломатлигим ёмонлашиб ишлолмай қолдим. Бу пайтда икки нафар фарзандим 18 ёшга тўлганлиги сабабли улардан фақат бир нафарига 400 минг сўмга яқин алимент тўлаб келаётган эдим. Шуни ҳисобга олиб, соғлиғим тиклангунча алимент маблағини тўлашни кечиктиришнинг иложи борми?” дея савол берган.***

Балоғатга етган, яхши-ёмонни фарқига борадиган бу йигитга масаланинг қонуний томонларини тушунтириб бердик. Ва унга мажбурий ижро ходимлари айтган мабодо ишламай туриб алимент тўлашга тўғри келса бу сумма ниҳоятда катта бўлишини айтганимиздан сўнг йигит бир сўз демай чиқиб кетди. Хулоса шундаки, алимент даврий мажбурий тўловлар сирасига киради. Токи болалари 18 ёшга тўлгунга қадар ҳар ойда тўлаб боришга мажбур. Мабодо икки ойдан ортиқ тўламаган тақдирда унга нисбатан қамоқ (15 суткалик) жазоси қўлланилади. Бу тартиб тўғрисида мажбурий ижро туман бўлимининг ҳар бир ходими тўлақонли айтиб бера олади. Шунинг учун ҳам фуқарога маслаҳатимиз учинчи фарзанд учун ҳам қонуний равишда алимент тўловларини амалга оширишга мажбур.

**Лочин УСАРОВ,**
**фуқаролик ишлари бўйича туман суди раиси.**
**Баҳриддин ИСМОИЛОВ,**
**мажбурий ижро туман бўлимининг давлат ижрочиси.**

# ОГОҲЛИК ОЛДИНДА КУЗ-ҚИШ ФАСЛИ

**Ҳа, жазирама ёз тугаб айни пайтда йилнинг кузи бошланди.**

Бу эса барча фуқаролардан куз-қиш мавсумига пухта ҳозирлик кўрган ҳолда киришиш талаб этилади. Ҳа демай илиқ кунлар тугаб, совуқ кунлар бошланишини ҳисобга олсак, биринчи навбатда уй-жойларни табиий газ ва кўмир-ўтин билан иситиш мосламаларини назорат қилишга тўғри келади. Ёқиладиган печларнинг доим нормал ишлаши учун қувурларни тозалаш зарурдир. Шунинг билан бирга қурилиш иншоотлари, бозорлар, мактаб, мактабгача таълим, корхона-ташкилотларни бирламчи ёнғин асбоблари билан таъминлаш, ёнғинга қарши курашишнинг асосий воситасидир.

Айни пайтда республикамиз бўйлаб 15 сентябрдан 15 октябрга қадар “Ёнғиндан огоҳлик” умуммиллий кампанияси ойлиги давом этаётганлигини ҳисобга олиб, туманимизда ҳам бунга алоқадор тадбирлар ўтаяпти. Хусусан, туманимизда ҳам 17 сентябр куни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғини ва бу ишга алоқадор мутасадди раҳбарлар иштирокида ўтказилган тадбирда ҳам айнан бир ойлик вазифалар белгилаб олинди.

**Дилмурод АБДУРАҲИМОВ,**
**Бойсун туман ФВБ профилактика ва назорат бўлинмаси катта инспектори.**

# ДОҒҲОИ ХӮҶАМАЙХОНА

*Аввалаш дар шумораи гузашта.*

**Аз рӯи гуфтаи ҷуғрофияшиносон охирин марзи водии Ҳисор дар дараи Дарбанд ба охир мерасад.**

Дар самти рости дара қаторкӯҳҳои Ҳисор ба охир расида, дар самти чапи он пуштакӯҳи Саримасак оғоз мешавад ва ин кӯҳ печида-печида ба самти шимолии Қарамаск ва Оқработ ба ҷониби ғарб ба кӯҳҳои Аламлӣ мепайвандад. Ва аз ҳамин манзил кӯҳи Сувсиз ва кӯҳи Панҷоб, Хатак ва пасон Кӯҳитанг то ба соҳили дарёи Омӯ рафта мерасад. Дар байни дара дарёи пурхурӯши Дарбанд, ки бештарин оби онро чашмаи Хӯҷамайхона ташкил медиҳад, сар ба сангҳо зада ба ҷониби дарёи Омӯ меравад.

Аз рӯи маълумоти бостоншиносон як замоне дар дами даромадгоҳи дара сокинони зиёде манзилу макон доштаанд. Ин деҳаи кӯчак бо номи Қапчиғай ёд мешудааст. Бо гузашти айём бо амри Аморати Бухоро дар дами ҳамин дараи Дарбанд корвонсарой, қалъаи мирнишин барпо мекунанд. Корвонҳое, ки аз ҷониби Самарқанду Бухоро ва Балху Тирмиз, Чину Мочин ба Дарвозаи оҳанин омада, боҷу хироҷи аморатро месупориданд, пасон ба дин манзил омада, дар лаби дарёи Дарбанд чанд рӯз истироҳат ихтиёр карда, кӯфти роҳро аз худ дур карда, пасон роҳи хешро идома медодаанд. Воқеан обу ҳавои ин манзил хеле серуну ҳаловатбахш аст. Ҳоло дар дами дара писари Набиев барои истироҳат кунандагон суфаҳо ва ҳавзи обе ҷӯркардааст, ки мусофирон пас аз оббозӣ дар суфаҳо истироҳат мекунанд. Деҳаи Қабчиғайро бо деҳаи Чанбул пули Мулло Қулмаҳмад бо ҳам мепайвандад. Солҳои пешин ин пул хеле харобу валангор шуда буд. Бо кӯшиши тадбиркорон Сайфиддин Ашӯров ва Шавкат Содиқов кӯпруки номбурда аз нав таъмир карда шуд. Мо оҳиста-оҳиста ба дохили дара қадам мезанем. Ҳар лаҳза мошинҳо сабукрав аз ҷониби деҳаи Мачай бо шаст ба ҷониби Сарибозор ҳаракат мекарданд. Пас чанде мо ба назди осиёи Собирака меоем.

Собир Сулаймони Дарбандӣ, ки бошандагони ин деҳа ӯро бо номи Собир гайӣ ёд мекунанд, дар дами дараё осиёе сохтааст. Собирака солҳои зиёд дар шӯъбаи корҳои дохилӣ дар ҷабҳаи боздеҳи нақлиётӣ бекаму кост кор карда, ба нафақа баромадааст. Собирака ҳангоми фаъолияташ дар ин ҷабҳа ҳамчун корманди фаъол дар байни ҳамкоронаш маълуму машҳур буд. Ӯро натанҳо дар вилоят ва дигар ҷумҳуриҳо ҳамчун ходими хайрхоҳи боздеҳи автомобилӣ мешиносандаш, эҳтиромаш мекунанд. Собирака ин рӯзҳои гузаштаро чунин ба ёд меорад:

-Ман он замон дар шӯъбаи корҳои дохилӣ кор мекардам, ба нақл оғоз намуд ӯ. – Солҳои 1994-ум буд. Боре бо чанд ҳамкоронам дар ҳамин ҷое, ки осиё сохтам, омадем, оббозӣ кардем, хӯрок хӯрдем. Ин дам як ҳамкоронам гуфт, ки Собирбой, ин кори давлат абадӣ нест. Ана, мана нагуфта синусоламон ба нафақа низ мерасад. Агар дар ҳамин ҷо як осиё месохтед, аҷаб кори хайре мешуд. Оби осиё ба бошандагон зарар намекунад. Ба нов омада осиёро гардон мекунад ва боз ба дарё ҳамроҳ мешавад. Баъди ин гуфтугӯ шабу рӯз дар хаёли сохтани ин кори хайр банд будам. Ҳамин тариқ, пас як сол ин осиёро сохтам. Як нафарро ба он муаззаф кардам. Ӯ гандуми сокинонро дар осиё кашида медоду ҳаққи осиёю худро мерӯёнид. Дар ин байн чандин бор боришоти ваҳмангез борида ба осиё зарар расонид. Зарари онро зуд бартараф сохтему боз осиё ба кор оғоз намуд.

Солҳои охир бо сабаби номуносиб омадани обу ҳаво мардум аз касали қанд шикоят мекарданӣ шуданд. Ба қавли шифокорон гӯё ба ин дард нони осиёгӣ, ки бидуни (дрожа) пухта мешавад, даво бошад. Рӯзе Чоршанбе Маҷидов ном мардаке ба назди ман омада, хоҳиш кард, ки дар назди осиё дӯкони нонфурӯшӣ ташкил карданист. Нони онро пухта ба одамоне, ки ба ин бемориӣ мубтало гаштаанд, фурӯхтанист. Азбаски ин марди меҳнатиро аз наздик мешинохтам, розӣ шудам. Ӯ дар шафати осиё се дар ошхона ихчаме бино кард. Баъди анҷоми ин корҳо акаи Чоршанбе ба кор оғоз кард. Дар як муддати кӯтоҳ ӯ миҷозони зиёде пайдо кард. Одамон аз маркази вилоят, ноҳия ва дигар шаҳрҳои дигар барои харидани ин нон ба ин ҷо омада нони ӯро мехариданд. Ҳоло Чоршанбе Маҷидов бо ҳамсараш Обида бо ин кор шуғул доранд. Мардум аз кору бори онҳо розиянд.

Вақте ки мо ба сари осиё омадем, Обидаапа машғули завола кунии хамир буд. Ба Обидаапа салом дода ҳамсарашон Чоршанбеакаро пурсидем. Ӯ иброз дошт, ки ҳамсарашон барои ғункардани ҳезум рафтаанд ва шояд пас аз чанде оянд, гуфт.

Аз апа пурсон шудем, ки рӯзе чанд навбат нон таайёр мекунанд. Ӯ каме андеша намуда гуфт:

-Мо ин нонро бо хамиртуруш омода мекунем. Худатон медонед, ки чунин нон хеле дер мерасад. Аз ин боис расидани хамир хеле кашол меёбад. Аз хотир, мо рӯзе ду навбат се навбат- панҷоҳ-чил дона нон тайёр мекунем. -Ин қадар нонро чӣ кор мекунетон? – Ҳоло дар ин дара дар соҳилҳои он одамони зиёд истироҳат мекунанд. Дар як дам омада ҳамаи нонро харид карда мебаранд.



–Харидоронатон зиёданд? – Хеле зиёданд, махсусан онҳое, ки ба касалии қанд мубтало шудаанд, нони моро зиёд харид мекунанд. Мегӯянд, ки истеъмоли он барои рафъи ин касалӣ даво бошад.

–Кори нонвойӣ заҳмати дандоншикан дорад? Бо чунин заҳмати зиёд, аз подоши самараи заҳмататон оё қонеъед? Бе ҳеҷ гуфтугӯ! Дар куҷое кор осон аст. То заҳматнакашӣ самаре ба даст наёрӣ. Заҳмат мекашем, роҳаташро мебинем. Обу ҳавои тоза, шамоли серун зуд мондагиро рафъ месозад. Ин дам акаи Чоршанбе як банд ҳезум ба пушт меоянд. Ба мо салом арз карда, ҳол аҳвол мепурсад.

–Мондаҳои кору ҳол, -мурочиат мекунем- ба ӯ! Ӯ каме аз банди хаёл худро раҳонида мегӯяд:

**Зиндагӣ ба сар афтодааст, Бедило чора чист?**
**Шод бояд зист, ношад бояд зист!**

**ҚАЙДҲОИ ПУБЛИСИСТӢ**

Аз паи зиндагӣ дар ҷустуҷӯи кору рӯзгор овораем!

–Бародар, шумо чӣ корaву аз куҷоед? Шуморо нашинохтам?

–Ман хешатон ҳастам, рӯзноманигорам.

–О, нав ба ёдам расид! Як духтарчаатон бо духтарчаи мо – Рудобаҷон ҳамсинф буд. Ӯ боре дар бораи шумо нақл карда буд. Мегуфт, ки онҳо одамони хубанд.

–Амак, то шумо ба ин ҷо омадед, гирду атрофи осиё ва дуртар аз онро тамошо карда, хотирам хеле хира гашт. Одамон тамоми коғаз ва ҳар гуна лашу лӯшро дар соҳили дарё партофта, зебогии атрофро костаанд. Шумо дар ин бора чӣ мегӯяд?

–Эҳ, чӣ гӯям ба шумо? Ҳар рӯз садҳо нафар барои истироҳат ба ин ҷо меоянд. Сад афсӯс, ки пас аз истироҳат одамон қоғазпораҳо, пасмондаи хурду хӯрокашон ва дигар лашу лӯшҳои нодаркориро дар ду атрофи соҳилҳо партофта ба ҳусни гирду атроф доғ андохта мераванд. Чандин бор ба онҳо гуфтугӯ, кардем ки ҷои нишастташонро поксозӣ кунанд. Афсӯс, ин гапҳои мо ба ҳаво меравад. Дар ду ҷониби соҳили дарё одамон ба хотири пул коркардан барои истироҳати мардум ҷойҳои нишаст тайёр карда, аз мусофирин пул ғун мекунанд, вале барои тозагии он ҳеҷ кас аҳамият намедиҳад. Аз ноҳия, аз идораи ҳудуди поксозӣ касе нест, ки пеши ин нобасомониҳоро гирад. Одамон ба дараҷае чун мисли чорпоён сарҳӯй гаштаанд, ки лаҷоми онҳоро хеҷ зимомдоре нест, ки нигаҳ дорад. Оби дарё чунон касиф гашта, ки нӯшидани он имконнопазир аст. Кормандони сеси ноҳия аз ин вазият парвое надоранд.

Воқеан, акаи Чоршанбе Маҷидов дар бораи ин доғҳои Хӯҷамайхона ки имрӯз ба қавле дуҷониба соҳили дарё ба як ахлотхона табдил ёфтааст, кормандони санитарӣ эпидемологиро сахт танқид намуд. Муносибати онҳо мақоли “Ту ба ман нарас, ман ба ту”-ро ба хотир меорад. Дар охир, қобили қайд аст, ки маданияти мардуми мо ба дараҷае паст рафтааст, ки ин рафтору бархӯрди онҳоро дида ба ҷуз ангушти ҳайрат газидан чорае надорем. Наход мо, аз падоши табиати афсункор чунин бархӯрди ғайри инсонӣ зоҳир кунем. Ҳатто ҳайвонот ҳам ба табиат чунин бархӯрди сард нахоҳад кард. Ба қарибӣ ҳукумати ҷумҳурӣ маскани Хӯҷамайхонаро манзили сайёҳон эълон кард. Шояд пас аз иҷрои қарори мазкур манзили Хӯҷамайхона соҳиби хешро ёфта, барои ободияш ва ҳифзи табиати нотакрори он ғамхорие зоҳир намояд? Мо ҳам бо ҳамин умед нигаронем.

***Нуралӣ РАҶАБ.***

# МУАЛЛИМ ЭҲЁГАРУ СОЗАНДААСТ



Муаллим чӣ инсонест, ки ӯро эҳёгару созандаи ҷомеа донистаанд. Дар бораи омӯзгор, устод суханҳои гуфтаву ногуфтаҳо фаровон, дидаву шунидаҳо бепоён. Дар воқеъ, маҳз омӯзгор дар баробари ҳаводиси рӯзгор чун кӯҳ истодаанд, ба мисли абрҳои пурбори борони маърифатро бар чаманҳо фурӯ мерезанд. Каломи рӯҳбахш ба дилнишини ӯ мусиқии дилнавозест, ки бар гӯши ҷонҳо менишинад ва оҳанги зиндагиро тараннум мекунад. Омӯзгор шахсияти бузург ва нотакрорест, ки бо чароғони ақл олами фикри моро равшан намуда, дунёи пурасрори илмро муаррифӣ мекунад. Бойгарии муаллим шогирдони бофарҳанги ӯст.

***Кист он, ки лабонам бо алифаш боз кард?***
***Аз бароям ӯ либоси илму дониш соз кард?***
***Эй муаллим, ту маро ғамхору ҳамёрре будӣ!***
***Хотират дар лавҳи қалбам булбули зоре будӣ.***

Дар ин рӯзҳое ки иди мураббиёну омӯзгорон пас аз чанде онро кулли шаҳрвандон дар саросари кишварамон ҷашн хоҳанд гирифт, симои барҷастаи онон чун навори синамо пеши назар ояд. Ҳа, умр чун боде мегузараду меравад. Ва ин боди шӯрта устодони моро ки дар деҳа ва навоҳӣ чун гули сари сабати кӯчабоғи маърифат буданд, ба он дунёи фонӣ паҳну паришон намуд. Мо устодони накӯном Бойлар Боймаҳмадов, Зайниддин Шерхонов, Панҷӣ Тӯйчиев, Абдураҳим Усмонов, Зиёдулло Маҳмадшоев, Чорӣ Ҳамроқулов. Муҳаммадшариф Холтӯраев ба ёд оварда ба идомадиҳандагони кору фаъолияти онон як ҷаҳон сипасгузорӣ карда, ба кулли онҳое, ки идомадеҳандаи корҳои онҳоянд, комёбиҳо хоҳонем.

Бояд ҳар яки, мо барои тарбияи насли пасин масъул бошем. Ҳамеша бар он кӯшем, ки шогирдон хатокориҳои моро дубора такрор накарда, номбардори халқу миллат бошанд. Ояндагон роҳи онҳоро идома диҳанд. Аз фурсат истифода бурда кулли он устодоне, ки дар тарбияи насли имрӯза ҷонбозиҳо мекунанд ба ин иди фархунда табрику муборак будашон мегӯем! Илоҳо, дарёи илму маърифатон ҳамеша дар хурӯш бошад!

***Нодира ЖӮРАҚУЛОВА.***

**Таълим сифати юқори бўлган мамлакатда иқтисодиёт барқарор ўсади. Бу – ҳаёт қонуни!**

*Шавкат МИРЗИЁЕВ*

***Наргиза Хуррамова Бошработ маҳалласидаги Питов қишлоғида туғилган. Термиз Давлат университетининг педагогика факультетида таҳсил олгач, илк меҳнат фаолиятини туманимиздаги 48-умумтаълим мактабида бошлаган. Айни пайтда 55-умумтаълим мактабида ёшларга сабоқ бериб келмоқда.***

***12 ёшдан шеърлар машқ қилиб келаётган ҳаваскор-ижодкорнинг ижодий намуналари республикамизнинг турли даврий нашрларида дунё юзини кўрган. Илк шеърий тўплами “Ёшлик қўшиғи” номи билан 2011 йилда “Тафаккур” нашриёти томонидан чоп этилган шоира турли йилларда “Келажак овози”, “Зулфияхоним қизлари”, “Ўзбекистон – Ватаним маним” республика кўрик-танловларида муваффақиятли иштирок этиб, туман, вилоят босқичлари ғолиблигини қўлга киритган. Бир туркум ижодий намуналари эса 2012 йилда чоп этилган “Армуғон” номли тўпламдан жой олган.***

***Газетамиз саҳифасидан жой олган мазкур машқлар шоиранинг ижодий жамоамиз билан бўлган илк ҳамкорлиги натижаси.***

***Кўп сонли муштарийларимиз номидан шоирага ижодий баркамоллик тилаб, бошланган ижодий ҳамкорлик бардавом бўлишига умид қиламиз.***

## НАЗМ ОЛАМИ

### ЎЗБЕКИСТОН

*Қучоғингда яйраган мен,
Шўх булбулдай сайраган мен.
Бахт-иқболинг ўйлаган мен,
Ҳур Ватаним Ўзбекистон.*

*Болалигим бешигисан,
Ёшлигимнинг қўшиғисан,
Бахт манзилим эшигисан,
Ҳур Ватаним Ўзбекистон.*

*Боғда юрсам сени кўргум,
Тоққа чиқсам сени кўргум,
Завққа тўлсам сени кўргум,
Ҳур Ватаним Ўзбекистон.*

*Шеър, достоним сенга фидо,
Юрак қоним сенга фидо,
Танда жоним сенга фидо,
Ҳур Ватаним Ўзбекистон.*

### ЁШЛИК ҚЎШИҒИ

*Самоларга етар садоси,
Назокатга тўла навоси.
Олам бўйлаб учар парвози,
Шўх-шўх янграр ёшлик қўшиғи.*

*Оҳангида бордир нафосат,
Гўзаллик, ишқ, меҳр, садоқат.
Кўнгилларга солар муҳаббат,
Шўх-шўх янграр ёшлик қўшиғи.*

*У дилларни тўлдирар завққа,
Шайлагайдир улуғвор аҳдга,
Етаклайди нурафшон бахтга,
Шўх-шўх янграр ёшлик қўшиғи.*

*Ҳеч бир юрак ғамга тўлмасин,
Яшаш меҳри асло сўнмасин.
Куй-қўшиқлар сира тинмасин,
Шўх-шўх янграр ёшлик қўшиғи.*

### ШЕЪР ДУНЁСИ

*Тунда вужудимни чулғайди хаёл,
Кўзимни тарк этар мудроқ уйқулар.
Бошимда оҳиста шивирлар ҳилол,
Қалбимни чулғайди ширин туйғулар.*

*Оқ кема сингари қалқир оқ қоғоз,
Устида елкандек чайқалар қалам.
Орзулар оққушдай айлайди парвоз,
Шеър бўлиб тўкилар туйғулар шу дам.*

*Дарахт япроқлари шивирлар аста,
Майин шаббодалар сийпалар юзим.
Мисралар тизилиб турар бир пасда,
Боладай қувониб ўйнайди сўзим.*

*Табиат илмидан оламан сабоқ,
Келажакка боқиб завққа тўламан.
Мен шеърлар ёзаман тунлари уйғоқ,
Зулфияхонимдек шоир бўламан.*



# ВОЛЕЙБОЛЧИ ҚИЗЛАР

***Оддий қишлоқ мактаби ўқувчиларидан иборат ёш волейболчи қизлар жамоасининг кетма-кет бир неча йилдан буён республика ва халқаро даражасидаги мусобақаларда ғолибликни қўлга киритаётгани шунчаки тасодиф эмас.***

Шахсан ўзим кейинги икки-уч йилдан буён уларнинг ҳар бир турнирдаги иштироклари натижасига қизиқиб, имкон қадар кузатиб келаман. Матбуот, ижтимоий тармоқларда улар ҳақида маълумотлар излайман. Излаб топганларим эса қисқа хабарлардан иборат бўлиб чиқади. Ваҳоланки, қисқа фурсат ичида туманимиз, воҳамиз спортининг фахрига айланишига улгурган ушбу жамоа аъзоларининг ютуқлари матбуот, айниқса, босма матбуот учун яхшигина манба бўлишга арзигулик воқелик эди, назаримда.

49-умумтаълим мактаби туманимиздаги нисбатан кичикроқ таълим маскани. Икки йирик маҳалла – Пулҳоким ҳамда Даштиғоз маҳаллалари марказлари оралиғидаги йўл устида жойлашган ушбу мактабда асосан ён-атрофдаги кичик-кичик қишлоқлар болалари таълим олишади. Бироқ унинг довруғи аллақачон бутун мамлакат бўйлаб ёйилган...

Бундан олти йил муқаддам республика жисмоний тарбия ва спорт университетини тамомлаб, туғилиб ўсган қишлоғига қайтган Абдулазиз Файзуллаев бир йўла икки вазифага - 49-умумтаълим мактабида жисмоний тарбия фани ўқитувчиси ҳамда болалар спорт мактабида мураббий лавозимларига ишга қабул қилинади. Олийгоҳдан яхши умид ва ниятлар билан қайтган ёш педагог иш фаолиятининг аввалиданоқ мактаб ўқувчилари орасида спортни ривожлантириш, спорт соҳасига алоҳида қизиқувчи иқтидорли ёшларни саралаш масаласига эътиборни қаратди. Мактаб маъмурияти билан фикрлашган ҳолда жисмоний тарбия дарси машғулотларини стандарт тарзда ўтказиш учун етарли шарт-шароитлар яратиш имкониятларини таҳлил қилишади. Орадан икки йил ўтгач унга ишониб 4-синф ўқувчиларига раҳбарлик қилиш вазифаси юкланади. Худди ўша йили ўзи билмаган ҳолда Абдулазиз Файзуллаев, кейинчалик нафақат ишлаб турган таълим маскани, балки туманимиз номини ҳам мамлакатга танитиш йўлидаги уринишлари учун дастлабки қадамни қўяди. Ўзи раҳбар бўлган синф базасида илк марта мактабда қиз болалар ўртасида волейбол тўгараги ташкил этади.

Одатда, қишлоқ қизлари орасида физкультура ва спортни ривожлантириш масаласида, айниқса, бизда шу пайтгача турли баҳоналар билан жуда кам эътибор қаратилган. Жумладан, оилавий шароит, ота-оналар эътирозлари... Бироқ Абдулазиз бу каби стереотипларга қарши ўларок, айнан қиз болаларни кўпроқ спортга қизиқтириш, қишлоқ қизлари орасидан ҳам, қаловини қилса, яхши спортчи қизлар чиқишига эътибор қаратди. 14 ёшгача бўлган қиз болаларни саралаб, турли даражадаги турнирларда иштирок этишга тайёрлай бошлади. Шогирдларида ғалабага, яхши натижаларга эришишга ишонч уйғотиш учун билим ва имкониятларини ишга солди. Дастлабки тайёргарликлар натижаси ўларок 2022 йилда Самарқандда, 2023 йилда эса Жиззахда бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги республика кубоги ўйинларида иштирок этишди. Гарчанд дастлабки мусобақаларда юқори натижаларга эришилмаган бўлса-да, уларда вилоят номидан иштирок этишнинг ўзи бошланишида катта гап эди.

Бўлиб ўтган мусобақалардаги натижалар, йўл қўйилган камчиликлар мураббий ва жамоа аъзолари жаморгида таҳлил этилиб, мақсадлар янада аниқлаштирилди. 2023 йилнинг 1-8 октябр кунларида 14 ёшгача бўлган қиз болалар ўртасидаги волейбол бўйича республика кубоги учун мусобақалар Сурхондарёда – Термиз шаҳрида ўтказилиши белгиланади. Волейболчи қизлар учун бу яхши имконият эди, фақат мақсадга етиш учун пухта тайёргарлик кўриш керак эди холос. Бир неча ойлик тайёргарлик, назарий ва амалий машғулотлар эса турнирнинг дастлабки ўйинлариданоқ ўз самарасини бера бошлади. Аввалига олис қишлоқ мактаби қизларидан иборат волейболчи қизларимизни эътиборга олмаган рақиб жамоалар бирин-кетин турнирни тарк эта бошлагач, барчаси ойдинлаша бошлади. Пировард – республика даражасидаги турнирнинг илк кубоги қўлга киритилди. Шундан кейинги Хива шаҳрида бўлиб ўтган халқаро турнир ҳам волейболчи қизларимиз учун ёмон кечмади. Турнир давомида улар республиканинг энг зўр жамоаларидан бири эканлигини намойиш этиб турдилар. Аммо нисбатан устунроқ тажрибага эга рақиб жамоа – Қозоғистон волейболчилари жамоасига 2:1 ҳисобда ютқазиб, бош совринни қўлдан бой берадилар. Қизиғи шундаки мағлубият алами кўп давом этмади. 2024 йил декабр ойида Жиззах вилоятида ўтказилган навбатдаги халқаро волейбол мусобақасида вилоятимиз номидан иштирок этган волейболчи қизларимиз яна қозоғистонлик рақиблари билан турнир финалида куч синашишларига тўғри келади ва бу гал 2:1 ҳисобида шарафли ғалабани нақд қилиб, турнир кубогини қўлга киритишга муваффақ бўлишади.

Ёш мураббий Абдулазиз Файзуллаев раҳбарлик қилаётган қизлар волейбол жамоасининг вилоят, республика ва халқаро мусобақаларда қўлга киритаётган юқори даражадаги кўрсаткичлари пировардида эндиликда уларни вилоят, республика терма жамоаларига таклиф қилиш ҳам тобора оммалашиб бормоқда. Бугунги кунга келиб мактаб волейболчи қизларининг деярли барчаси вилоят терма жамоаси аъзолигига қабул қилинганлиги, айтиш жоизки, бугунгача туманимиз спорти ҳаётида учрамаган ҳодиса. Фикримиз тасдиғи сифатида айтиш мумкинки, Азиза Бегалиева, Шахризода Хуррамова, Маржона Чориева, Ҳилола Тошпўлатова, Дилрабо Йўлдошева, Дурдона Ёқубова, Бахтиниссо Юсупова, Рухшона Холмўминова, Ҳилола Хурсанқуловалар айни пайтда вилоят терма жамоаси сифатида ҳам тўп суришяпти. Уларнинг аксарияти аллақачон энг яхши тўпурарлар сафидан ҳам ўрин олишга улгуришган.

Бор-йўғи 3-4 йиллик фаолияти давомида жамоа аъзолари учун республика ва халқаро даражадаги мусобақаларда юқори натижаларга эришиш эндиликда анъанага айланиб бораётгандек. Уларнинг спорт соҳасида қўлга киритаётган натижаларини кузатган ва таҳлил қилган наинки спорт мутахассислари, ҳатто оддий мухлислар ҳам буни эътироф этишяпти. Хусусан, жорий йилнинг 22-26 июл кунларида Навоий вилоятида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими Вазирлигининг “Вазир кубоги” турнирида иштирок этган волейболчи қизларимиз барча жамоаларни доғда қолдириб, ғолиблик шоҳсупасини эгаллаганлиги, улар бугунги кунда қиз болалар орасида тенги йўқ волейболчи қизлар эканлигини исботидир.



49-ўрта таълим мактаби қошида ташкил этилган қизлар волейбол жамоасининг дунёга келиши ва бугунги кунда қўлга киритаётган фавқулотда натижалари бу – аввало мамлакатимизда ёшлар орасида физкультура ва спортни ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва ушбу ислоҳотлар доирасида мактаб маъмурияти, бутун жамоа томонидан қилинаётган ибратли ишлар натижасидир. Қолаверса, оддий қишлоқ мактабида спортга бўлган эътибор натижасида рўёбга чиққан имкониятлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, бу каби имкониятлар туманимиздаги ҳар бир таълим масканида етарлича мавжуд. Фақат уларнинг натижадорлиги таълим масканлари маъмуриятлари, тегишли масъулларга боғлиқ холос. 49-мактаб тажрибаси эса бу борада яхши ибрат бўлиши мумкин.

**Даврон ОРИФ.**

# МАЪНАВИЙ ТАДБИРЛАР ДАВОМ ЭТСА...

***Дунёда ўз маданияти, миллий номоддий қадриятлари билан фахрланадиган миллатлар, халқлар бисёр.***

Шахсан биз ҳам ўзга халқлар маданий-маърифий бойликларини ҳурмат қилган ҳолда ўзимизнинг миллий қадриятларимиз, айниқса, маънавий бойлигимиз бўлган миллий адабий меросимиз билан бемалол фахрлана оламиз. Қолаверса, бугунги кунда ҳам бу меросни ўзининг сермазмун ижод намуналари билан тўлдириб келаётган таниқли замондош адиблару шоирларимиз ўз салафлари анъаналарини давом эттириб, нафақат миллий адабиётимиз хазинаси, балки жаҳон адабиёти хазинасини бойитишга ўз ҳиссаларини қўшиб келяптилар. Не бахтки, мана шундай забардаст ижодкорлар сафида ҳамюрт ижодкорларимиз - Ўзбекистон Халқ ёзувчилари Шукур Холмирзаев, Эркин Аъзам, Ўзбекистон Халқ шоири Усмон Азим, Тожикистон Халқ ёзувчиси Саттор Турсунлар ҳам бор.

Севимли шоиримиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов Бойсун ҳақида, бойсунлик ижодкорлар ҳақида шундай бир ажойиб эътирофлар айтган эканлар, “Бойсун бутун бир халқнинг тушига кирадиган юрт. Байрамларда ҳамма Бойсунни кутади. Булунғур олтин кони бўлса, Бойсун талантлар юрти...”

Мана бу таъриф ҳам Абдулла Орифдан:

**Абдулла Орифман, сўзим ушбудир,<br>Шукур Холмирзани берган<br>Бойсунга таъзим!<br>Келдик, Бойсунга,<br>Эркин Аъзам, Усмон Азим!**

Абдулла Ориф эътиборига тушган, Абдулла Орифнинг тушларига кирган Бойсунда туғилиб ўсган икки буюк ижодкор – Эркин Аъзам ва Усмон Азим бу йил ўзларининг қутлуғ 75 ёшларини нишонладилар.

Одатда ҳар йили август ойи биз бойсунликлар учун адабиёт, шеърият, маънавият ойи бўлиб келган. Бир эмас, икки таниқли ижодкоримиз бир-бирларидан уч кун фарқ билан мана шу ойда таваллуд топганлар. Биз бу йил августда, таъкидлаганимдек, ҳар иккала ҳамюртимизнинг 75 йиллигини нишонладик. Жойларда уларнинг асарлари муҳокамасига бағишланган маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Бироқ икки ижод аҳли ҳаёти ва фаолиятига бағишланган тадбирлар асосан август ойида бўлиб ўтгани боис, ёзги таътилда бўлган талабалар, ёшларни бу тадбирларга етарли даражада жалб этилишининг имкони бўлмади. Ваҳоланки, ҳамюрт ижодкорларимизнинг ҳаёти, фаолияти, ижоди ҳақида энг аввало шу юрт фарзандлари - ёшларимиз батафсил маълумотга эга бўлишлари лозим деб ўйлайман. Шу мақсадда мен ўтиб бораётган йил охиригача туман Маънавият-маърифат маркази, “Бойсун” газетаси таҳририяти, туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими, мусиқа ва санъат мактаби, марказий кутубхона билан ҳамкорликда уларнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб боришни таклиф қиламан. Албатта, бу тадбирлар имкон қадар таълим масканларида ўтказиб борилса мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки таъкидланганидек, бойсунлик ёшлар фахримиз, ғуруримиз бўлган бу икки забардаст ижодкорнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида батафсил билишлари шарт деб ўйлайман. Мен туманимиз ёшлари билан мулоқотлар чоғида уларнинг аксарияти ҳамюрт ижодкорларимиз ҳақида деярли кам маълумотга эга эканликларини билганим боис шу таклифни илгари суряпман. Ваҳоланки, номлари юқорида қайд этилган ижодкорларимизни бугун нафақат Ўзбекистон, балки дунё ўқиётган бир пайтда бу биз - бойсунликлар учун ярашмаган ҳол.

ТАКЛИФ

**Дилбар ЙЎЛДОШЕВА,<br>Ўзбекистон Халқ таълими аълочиси.**

# МАҲАЛЛАМИЗДА МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК

***Маҳалла қадриятлар бешиги деб бекорга айтилмаган.***

Зеро, миллий урф-одатлар, анъаналар, маросимлар маҳалланинг кекса отахону онахонлари томонидан ёшлар онгига сингдирилади ва улар йиллар давомида наслдан-наслга ўтиб боради. Ҳар бир маҳалланинг ўзига хос миллий ҳунармандчилиги, анъаналари бор. Туманимиз тарихига назар ташласак, косиблар, заргарлар, чилангарлар, кулоллар, каштадўзлар, гиламчилар, тандирчилар ва шу каби бошқа ҳунар эгалари алоҳида-алоҳида ҳудудларда фаолият юритган. Туманимизнинг фахрланишга арзийдиган миллий ҳунармандчилиги борки, ҳозирда дунёнинг кўпгина мамлакатларидан ташриф буюрадиган сайёҳлар қўл меҳнати асосида яратилган буюмлар, осори атиқалар олдида ҳайратга тушяптилар.



Биргина бизнинг маҳалламиз мисолида оладиган бўлсак бу ерда ота-боболари, момолари касбини давом эттириб, эл ҳурматига сазовор бўлаётган ҳунармандлар талайгина. Масалан, маҳалламизда яшаб меҳнат қилаётган ҳунармандлар Пардахол Мусулмонова, Шарофат Жўраева, Зокир Жўрақулов, Дилбар Хатамова, Тўра Эшонқуловларнинг меҳнати таҳсинга сазовор. Биргина Пардахол опани оладиган бўлсак, у кишини оилавий тадбиркор десак бўлади. Қизлари, невaралари, келинларига ўз ҳунарларини ўргатиб, улар томонидан тайёрланган кашта, қуроқ, дўппи, жамалак, бешик анжомлари, чимилдиқ каби ўнлаб турдаги миллий буюмлар халқимиз хонадонларини безамоқда. Шарофат опа ҳам ўз меҳнатини маҳалламиздаги ўнлаб ишсиз ёшларга ўргатиб, уларнинг оиласига даромад киришига кўмак бермоқдалар. Туманимиз, вилоятимиз миқёсида ўтказиладиган ҳунармандчиликка оид тадбирлар борки, Пардахол опа ва Шарофат аялар фаол қатнашиб, ўз миллий маҳсулотлари билан халқимиз ва чет эллик сайёҳларни ҳайратда қолдирмоқдалар.



Маҳалламизга ташриф буюрсангиз, кираверишда “Кулоллар кўчаси” деган ёзувга кўзингиз тушади. Бу гузарда илгари ака-укалар, қариндошлар биргаликда кулолчилик билан шуғулланиб келишарди. Улар томонидан ясалган шупуллаклар, ҳайкалчалар, идиш-товоқлар бутун республикамиз аҳолисини ҳайратга солиб келган. Ҳозирда уларнинг ишларини Дилбар Хатамова давом эттириб келмоқда. Маҳаллада эътиборсизлик туфайли қаровсиз қолган кулоллар уйи кулоллар вакили Тўра бобо Эшонқулов томонидан қайта таъмирланиб ишга туширилди. Бу эса маҳалламизда йўқолиб бораётган яна бир ҳунармандчилик турининг қайтадан ривожланишига замин яратди. Ҳозирда бу кулолхонада Дилбар Хатамова ўзининг бетакрор санъат асарларини яратиб, дунё ҳунармандларини лол қолдирмоқда.

Туманимизда ЮНЕСКО ташаббуси билан ташкил этилган ҳунармандчилик музейини билмайдиган бойсунлик бўлмаса керак. У ерда бизнинг маҳалламиз фуқароси, ҳунарманд Алим Орипов йўқолиб бораётган милий ҳунармандчилигимиз турларидан бири жанда, алача матоларини тўқиш билан шуғулланадилар. Бу матолардан Бойсун фольклор ансабли учун либослар тайёрланади. Бундан ташқари алача матосидан тикилган тўнларни ҳамшаҳарларимиз эгнида кўриб ҳам кўзингиз қувонади. Бу маҳсулотимизнинг дунё бозорларига ҳам чиқаётгани биз учун фахр-ифтихордир. Чет давлатлар вакилларининг бошида туманимизда тикилган дўппи, эгнида атлас, нимчаларимизни кўриб қувонамиз.

ЮНЕСКОнинг номоддий-маданий меросига киритилган косибчилик билан эса маҳалламизда Зокир Жўрақулов шуғулланиб келмоқда. Ўзлари уй қурувчи уста бўлсалар-да, боболари касби йўқолиб кетмаслиги учун бўш вақтларида маҳси-ковуш, мўкки, ҳар хил пойафзаллар тикиш билан машғул бўладилар. Ҳозирги кунда бу касбни фарзандларига ҳам ўргатиб келмоқдалар. Буларни ҳам оилавий тадбиркор десак бўлади. Аёллари Шаҳноза опа ҳам дўппи тикиш, зардўзлик, каштачилик, кўрпа-кўрпача қавиш билан шуғулланадилар. Оиланинг ўз-ўзини банд қилгани бизнинг ютуғимиздир.



Мен юқорида бир нечта ҳунармандларни санаб ўтдим, холос. Агар маҳалламиз хонадонларига бирма-бир кириб чиқадиган бўлсак, ҳар бир уйда нимадир ҳунар билан шуғулланиб ўтирган инсонга кўзингиз тушади. Кимдир кийим тикади, кимдир гилам тўқийди, яна кимлардир дўппи, кашта тикиш билан машғул. Улар меҳнатини кўриб, маҳалламизда миллий анъаналаримиз давом этибгина қолмай, авлоддан-авлодга ўтиб келаётганига ҳам гувоҳ бўламиз. Асосий мақсадимиз ҳам аслида шу - маҳаллада ишсиз ёшларни камайтириш, ҳунармандчилигимизни ривожлантириш, камбағал оилалар сафини қисқартириш, оз бўлса-да оилалар иқтисодини таъминлашдан иборат. Қўли гул ҳунармандларимиз меҳнат қилиш баробарида ёшларимизга ҳам устозлик қилаётганлари таҳсинга сазовордир.

**Илёс УМБАРОВ,<br>Пойгабоши МФЙ раиси.**

BOYSUN

MUASSISLAR:
Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashi va tuman hokimligi

BOSH MUHARRIR
Davron ORIPOV

NAVBATCHI:
Nodira JO`RAQULOVA.

Internet materiallaridan foydalaniladi.

Gazeta 2012-yil 2-fevral viloyat Matbuot va axborot hududiy boshqarmasida 11-043-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Indeks: 64622
Bahosi kelishilgan narxda.
ISSN 2181-7073

Hajmi - 2 bosma taboq.
Bichimi A-2
Chop etishga topshirish vaqti - 17 00
Topshirildi - 16 00
Adadi : 1400
Buyurtma №

Gazeta sifatiga bosmaxona mas`ul

(t) - tijorat materiali.

Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farq qilishi mumkin.
Qo`lyozmalar egasiga qaytarilmaydi, yozma javob berilmaydi.
«BOYSUN» gazetasidan materiallarni ko`chirib bosish muharririyat roziligi bilan amalga oshirilishi lozim.

Gazeta oyiga ikki marta o`zbek va tojik tillarida chop etiladi.

TAHRIRIYAT MANZILI:
190401, Boysun, Zartepa ko`chasi, 37-uy.
Telefonlar: 76-33-51-368, 99-733-06-59
e-mail: boysun@umail.uz

Gazeta «Boysun» tahririyati kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta "Surxon tongi"va "Zarya Surxana" gazetalari bosmaxonasida chop etildi. Manzil:Termiz shahri Shukrona ko`chasi 19-A uy.